



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING  
Q A R O R I**

Boysun t., Hayot Abadiy ko'chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun\_t@exat.uz, http://baysun.uz

**2021-yil " 22 " fevral**

**Q-287-son**

**Boysun t.**

**Бойсун тумани “Работ” массивининг “Поёнкўрғон”  
участкасидан «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI»  
МЧЖ ҳисобига туман хокимлиги захира ер майдонидан  
2 гектар ер участкасини ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сонли “Аҳоли томорқаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Давлат Раҳбарининг 2020 йил 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириклари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 6 июлдаги 02-2031-сонли топшириги ижросини таъминлаш ва «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖнинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 1-сонли алоқа хати, туман хокимининг 2017 йил 10 январдаги 4-Ф-сонли фармойишига асосан туман хокимлиги қошидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2021 йил 22 февралдаги ер участкаси ажратиш бўйича тақдим этган далолатномасига асосланиб

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» нинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 1-сонли алоқа хати ҳамда туман хокимлиги қошидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2021 йил 22 февралдаги ер участкаси ажратиш бўйича тақдим этган далолатномаси инобатга олинсин.

2. Бойсун тумани “Работ” массивининг “Поёнкўрғон” участкасидан «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖ ҳисобига туман хокимлиги захира ер майдонидан 317к, 250к-дала контурлардаги 2 гектар ер участкаси ажратиб берилсин.

3. Туман Кадастр агентлиги бўлими (Х.Рамазонов)га «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖга ер майдонлари ажратилиши муносабати билан туман ер хисботига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Туман Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (З.Норов)га «TOG'CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖ томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш мақсадида талаб этиладиган уруғликлар ва бошқа моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда белгиланган хизматларни қўрсатиш учун зарур бўладиган кредит маблағларини ажратилишида кўмаклашсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

А.Жўраев



**Далолатнома**

**2021 йил “22” февраль**

**Бойсун тумани**

А.Жўраев -туман хокими, комиссия раиси

Ч.Абдуназаров -туман хокимининг ўринбосари комиссия раиси ўринбосари

**АЪЗОЛАРИ**

Х.Рамазонов-туман кадастр агентлиги бўлими бошлиги.

С.Чориев -туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиги,

И.Аъзамов- Сурхондарё вилоят Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Бойсун туман инспекцияси бошлиги

Х.Рўзиев - туман ДСЭНМ бош шифокори,

Ж.Рахматов - туман электр тармоқлари корхонаси бошлиги,

Ғ.Фаффоров - туман Телекоммуникациялар боғланмаси бошлиги

З.Норов- туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнданги ПҚ-4767-сонли “Аҳоли томорқаларидан фойдаланишининг самарадорлигини оширишининг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Давлат Раҳбарининг 2020 йил 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 6 июнданги 02-2031-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида, «TOG’CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖнинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 1-сонли алоқа хатига асосан МЧЖ хисобига Работ массивининг “Поёнкўргон” участкаси худудидаги туман хокимлиги захира ер майдонларидан жами 2 гектар ер майдонини ажратиш мақсадида тегишли назорат ишлари олиб борилди.

Ажратилаётган 2 гектар ер участкаси Работ массивининг “Поёнкўргон” участкасидаги 317қ, 250қ, дала контурлардаги туман хокимлиги захира ерлари бўлиб, шарқ, жануб томони йўл билан, шимол, гарб томонлари фермер хўжалиги ер майдонлари билан чегарадош.

Танланган жойда бузиладиган иморатлар йўқ, мухандислик комуникациялари мавжуд эмас. Архитектура шахарсозлик иншоотларидан фойдаланиш имконияти бор.

Бойсун туман Работ массивининг “Поёнкўргон” участкасидаги туман хокимлиги захира ер майдонидан «TOG’CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖ хисобига жами 2 гектар ер участкасини ажратишга маъқул жой эканлиги аниқланди.

Комиссия масалани хар томонлама ўрганиб чиқиб

**ХУЛОСА ҚИЛАДИ:**

1. «TOG’CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖнинг 2021 йил 22 февралдаги туман хокими номига ёзган 1-сонли алоқа хати инобатга олинсин.

2. Бойсун тумани “Работ” массивининг “Поёнкўргон” участкасидан «TOG’CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖ хисобига туман хокимлиги захира ер майдонидан 317қ, 250қ-дала контурлардаги 2 гектар ер участкаси ажратиб берилсин.

3. Ушбу далолатнома Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари кўриб чикувчи комиссияси томонидан TOG’CHI IDEAL TOMARQA XIZMATI» МЧЖ хисобига ажратиш учун 2 гектар ер майдони ажартишга асос деб имзо чекувчилар.

А.Жўраев

Ч.Абдуназаров

Х.Рамазонов

З.Норов

С.Чориев

И.Аъзамов

Х.Рўзиев

Ж.Рахматов

F.Фаффоров

Бойсун туман хокими

А.Жураевга

“Тогчи идеал томорка хизмати”

МЧЖ бошлиги

К.Эрмаматов томонидан

Ариза

Ушбу оркали шуни езиб маълум киламизки “Тогчи идеал томорка хизмати” МЧЖ фаолиятини амалга ошириш учун 2 га микдорида ер ажратишингизни сураймиз.

“Тогчи идеал томорка хизмати”

МЧЖ бошлиги:

К.Эрмаматов

BOYSUN	SAHFALAR	1.
MINISTERI	KIRISH MA	04.07.2018
YURIDIKI	SALMAQI	02.07.2018